

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари кафедраси

# РЕФФЕРАТ

**МАВЗУ:** Болаларда ва катталарда қорин соҳаси  
аъзоларининг топографик анатомияси.

Бажарди: Жўраев А

Тошкент-2011

## РЕЖА:

1. Қорин бўшлиғи юқори аъзоларининг топографик анатомияси.
2. Қорин бўшлиғи пастки қават аъзоларининг топографик анатомияси.
3. Қорин парда ортки аъзоларининг топ.анатомияси.
4. Қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказиладиган асосий операциялар хақида умумий тушунча.

Қорин бўшлиғи ичкаридан бириктирувчи тўқимали сероз парда-қорин парда билан қопланган бўлиб (деворий-париетал вароғи), девордан аъзоларга ўтади ва аъзовий - висцерал вароққа айланади. Бу парда девордан аъзога, аъзодан аъзога ва аъзодан қорин деворига ўтар экан, бойлам, чарви, ичак туткичи хосил қилади. Демак, қорин бўшлиғидаги бойлам, чарви ва тутқишлар асосини қорин парда хосил қилар экан.

Қорин парда қорин бўшлиғидаги аъзоларни турлича ўрайди: интраперитонеал аъзолар қорин парда билан ҳамма томонидан ўралади (меъда, Талок, ингичка ичак, кўр ичак, кўндаланг чамбар ичак, S-симон-ичак, бачадон ва унинг найлари, тухумдон ана шундай ўралган); мезоперитонеал аъзолар қорин парда билан 3 томондан ўралган бўлиб бир томони ўралмаган (жигар, юқорига кўтарилувчи ва пастга тушувчи чамбар ичаклар, тўлиб турган сийдик қоғи); экстраперитонеал аъзолар қорин парда билан фақат бир томони ўралади, қолган уч томони ўралмай қолади (буйраклар, буйрак усти беши, сийдик йуллари, меъда ости беши, кўёш чигали, қорин аортаси, пастки ковак венаси, дарвоза венаси шохлари билан).

Қоринпарданинг мураккаб йуналишлари натижасида қорин бўшлиғида каналлар, чўнтаклар, (чуқурликлар), катта ва кичик чарвилар хосил бўладики, қорин бўшлиғи ревизиясида бу хосилаларни билиш мақсадга мувофиқдир:

1) Ўнг ён қорин канали, ўнг олд-ён девори билан юқорига кўтарилувчи чамбар ичак орасида хосил бўлади ва пастда чаноқ бўшлиғи билан туташади.

2) Чап ён қорин канали эса қорин олд-ён деворининг чап томони ва пастга тушувчи чамбар ичак орасида хосил бўлиб, пастки томони билан бу канал чаноқ бўшлиғи билан туташади.

3) Ингичка ичак тутқичи иккинчи бел умуртқаси чап ёнидан бошланиб, илиоцекал бурчакка тушиб бораётиб юқорисида ва ўнгда ўнг чуқурлик (синус), чапда ва пастда чап чуқурлик (синус) хосил қилади. Ингичка ичак тутқичи илдизи 5-15 см узунликда бўлиб, бу девор билан юқорига кўтарилувчи ва кундаланг чамбар ичак ўртасидаги ўнг (синус) чуқурлик нисбатан ёпик бўлиб, худди шундай чап (синус) чуқурлик тутқич, илдизи билан кундаланг ва пастга тушувчи чамбар ичак орасида хосил бўлади ва пастда чаноқ бўшлиғи билан туташади.

4) Чарви халтаси, меъда орқа аъзоси билан меъда ости беши орасида хосил бўлиб, бу чарви халтасини 6 та девори бор:

олдинги деворини кичик чарви, меъда орқа юзаси, меъда-чамбар ичак бойлами хосил қилади; орқа деворини меъда ости беши (парда билан ёпилган холда) хосил қилади; юқори деворини жигарнинг думсимон бўлаги, 12-бармоқли ичак қисми, чап буйрак ва буйрак усти беши, пастки кавак венаси, аорта қорин усти артерияси; пастки деворини кўндаланг чамбар ичак ва унинг тутқичи; ўнг деворини жигар-буйрак ва жигар-12-бармоқ ичак бойламлари хосил қилади, ҳамда шу бойламлар орасида жойлашган чарви тешиги (Винслови тешиги) қорин парда бўшлиғини чарви бўшлиғи билан туташтириб туради; чап деворини диафрагма-талок ва меъда-талок бойламлари хосил қилади.

Қорин соҳасида 2 та бўшлик: қорин парда хусусий бўшлиғи ва қорин парда ортки бўшлиғи тафоввут қилинади. Қорин парда бўшлиғи кўндаланг чамбар ичак ва унинг тутқичи воситасида юқориги ва пастки қаватларга бўлинади.

Шундай қилиб, қорин парда бўшлиғидаги юқори қаватда қуйидаги аъзолар жойлашган: жигар, ўт қоғи, меъда, талоқ, 12-бармоқли ичакнинг бошланиш қисми, кичик чарви гарчи пардани орқасида бўлса ҳам меъда ости беши ва қуёш чигали.

Қорин бўшлиғи пастки қават аъзоларига эса ингичка ва йўғон ичак, бачадон ва унинг найи, тухумдон киради. Қорин бўшлиғи ёш болаларда қуйидаги фарқлари билан катталардан ажралиб туради.

1. Қорин бўшлиғи, бойламлари, тутқич ва чарвилар кичик ва охиригача ривожланмаган. Катта чарви чақалоқларда киндик соҳасига етар-етмас бўлади, катталарда, айниқса кексаларда чанокгача тушиб боради.
2. Илиоцекал бурчак чувалчангсимон ўсимтаси билан чақалоқларда енбош суяги устки қирғоғидан 2-3 см юқорида жойлашган, катталарда эса енбош суяги чуқурчасида ётади.
3. Жигар нисбатан катта, киндиккача қорин бўшлиғини тўлдириб туради, катталарда эса ўнг қовурға равоғидан чиқар-чиқмас ҳолатда жойлашади.
4. Ингичка ва йўғон ичак чақалоқларда қисқа, яхши ривожланмаган, нисбатан юқорирокда жойлашган.
5. Чарвилардаги ёғ қаватлари юпқа, ривожланмаган, ёш қанча катта бўлса ёғ шунча қалин бўлади.

### **МЕЪДА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯСИ.**

Меъда юқори қават аъзолари кириб, қушнигарчилиги унинг бўш ёки тўлалигига боғлиқ. Асосан 2 хил шаклда учрайди: шохсимон ва қармоқсимон. Унинг кириш, чиқиш, улар орасидаги танаси ва тубидан иборат. Мурдада қоп шаклида 30-40 см узунликда бўлади. Унинг олдинги ва орқа юзалари тафоввут қилиниб, бу юзалари юқорида бирлашиб кичик эгриликни, пастда эса катта эгриликни ҳосил қилади. Меъда катталарда 2-2,5 хажмда, чақалоқларда эса анча кичик бўлади. қисм ва эгриклари яхши ривожланмаган бўлади. Меъда билан қушни аъзолар ўртасида бойламлар мавжуд: диафрагма-меъда, жигар-меъда, меъда-талоқ, меъда-чамбар ичак, меъда-меъда ости беши бойламлари. Унинг кичик эгрилигини ёпиб турган

кичик чарви эса 3 та бойламдан ташкил топган: диафрагма -меъда, жигар - меъда ва жигар-12-бармоқли ичак бойламларидир. Катта чарви эса қорин-парданинг 4 та вароғидан хосил бўлиб қаватлар орасига ёғ қатлами мавжудлиги билан фарқ қилади ва меъданинг катта эгрилигидан, меъда ва чамбар (кўндаланг) ичак орасидаги бойламдан бошланади.

Меъда куйидаги аъзолар билан (синтопия) кўшнилашиб туради: юқоридан жигарнинг чап бўлаги асоси ва диафрагма билан кўшнилашса, пастдан кундаланг чамбар ичак ва унинг тутқичига тегиб туради. Чапдан талокқа тегиб туради, олдинги юзаси билан меъда қорин олд деворига тегиб туради. Орқадан меъда меъда ости беши билан, талок қонтомирлари билан кўшнилашади.

Ўнгда эса у ўт пуфагига тегиб туради. Меъда овқат лўқмасини қизил-ўнгачдан қабул қилиб олар экан, у овқатни химиявий, айниқса механик парчалайди. Шунинг учун ҳам унинг деворидаги 3 хил йўналган мускуллар бўлиб, меъда 5 та артерия билан озиқланади:

1. чап меъда артерияси.
2. ўнг меъда артерияси.
3. чап меъда-чарви артерияси.
4. ўнг меъда-чарви артерияси.
5. меъданинг калта артериялари.

Меъданинг юқоридаги артерияларга мос йулдош веналари эса дарвоза венасига қуйиладилар. Меъда иннервацияси асосан қуёш чигали шохлари ҳисобига ва (X-жуфт) адашган нерв ҳисобига бўлади.

Болаларда меъда кичик хажми ва қисмларини яхши ривожланмаганлиги, деворий мускуллари хали етилмаган - вертикал ҳолат кўпроқ учрайди, хажми чақалоқларда 30-40 см, 14-15 ёшдан бошлаб катталарни меъдасига ўхшаш бўлади.

### **ЖИГАР ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯСИ.**

Жигар қорин бўшлиғининг юқори қаватида асосан ўнг қовурға ости

соҳасида жойлашган паренхиматоз орган бўлиб, у катталарда қорин бўшлиғини  $\frac{1}{4}$  ни, чақалоқларда эса ярмини эгаллаб ётади.

Соғлом катта ёшли одамларда жигар пастки қирғоғи ўнг қовурға равоғидан чиқар-чиқмас, чақалоқларда эса 4-5 см равоқдан пастда, хатто киндик соҳасида бўлади. Энг юқори чегараси сурғич чизиғи бўйича ўнг 4-қовурға, чақалоқларда 5-қовурғага тўғри келади.

Жигар синтопияси қуйидагича: юқоридан диафрагма орқали плевра, ўпка, перикард (юрак) билан қўшнилашади. Пастки юзаси билан эса (хамма бўлаклари билан (ўнг, чап бўлак, квадратсимон ва думсимон) чамбар ичак ўнг бўрчаги билан, ўнг буйрак ва буйрак усти бези билан меъда кичик эгрилиги билан қўшнилашиб туради.

Жигарнинг пастки юзасида Н-шаклидаги ёриғ бўлиб, бу жой жигар дарвозаси дейилади. Бу дарвозадан ичакларига жигар артерияси, нервлари ва дарвоза венаси киради, лимфа томирлари ва ўт йуллари (2та) эса чиқади. Ана шу жигар дарвозасидан жигар - 12- бармоқли ичак бойлами бошланар экан, унинг таркибида ўнгдан чапга қараб қуйидаги хосилалар ётади: умумий ўт йули (Д), дарвоза венаси (V) ва (А) жигар артерияси (ДУА).

Жигар ичида артерия, вена ва ўт йуллари унинг 8 та сегментига тарқалган бўлиб жигар орқа юзасидан пастки қавак венаси ўтар экан, унга жигарнинг 2-6 та хусусий веналари қуйилади.

Жигарда қатор бойламлар бўлиб улар жигарни қўшни аъзолар билан боғлаб, мустахкамлаб туради: жигар билан диафрагма орасида ўроксимон бойлам; ўнг ва чап уч бўрчакли бойламлар жигар билан меъда ва ўникки бармоқли ичак орасидаги бойламлар; у билан буйрак орасидаги бойламлардир. Дарвозадан киндиккача давом этган юмалоқ бойлам ичида эса болаларда хали битиб улгурмаган киндик артерияси ва венаси бўлади.

Жигар асосан қуёш чигали ва чап адашган нерв билан инервацияланади.

Ут пуфаги; жигар остки юзасида ўнг ва квадрат бўлақлар орасида жойлашган бўлиб, унинг туби, танаси ва буйинчаси тафовут қилинади.

Бўйинча ўт йулига давом этиб, умумий ўт йулини хосил қилишда катнашади. Ўт пуфаги қоринпарда билан хар бир индивидуал хар хил қопланади, купинча мезо-, жуда кам интраперитонеал ўралган бўлади. Унинг туби ўнг тўғри қорин мускулининг ўнг қовурға равоғи билан кесишган жойига тўғри келади. Унинг узунлиги 8-10 см чақалоқларда эса 3-4 см. У кундаланг чамбар ичак ичакка тегиб туради.

Ўт қопи жигар ўнг бўлак артерияси орқали озикланади, иннервацияси эса қуёш чигали орқали бўлади. Умумий ўт йули 4 қисмдан: 12-бармоқ ичак юқорисидан, унинг орқасида, меъда ости беши бағрида ва 12-бармоқли ичак ички девори соҳасида жойлашади. Биринчи қисм жигар-12-бармоқли ичак бойлами ичида бўлиб, уни пайпаслаб кўрса бўлади.

Умумий ўт йули ўн икки бармоқли ичакнинг тушиш қисмининг ички-орқа юзасига одди тешиги бўлиб очилади, у баъзан меъда ости беши йули билан битта бўлиб очилади.

### **Талоқ топографик анатомияси.**

Талоқ қорин бўшлиғининг юқори қаватда, чап қовурға ости соҳасида, 9-11 қовурғалар тўғрисида жойлашган. Унинг кабрик юзаси асосан диафрагмага қараган, ботиқ-дарвозаси жойлашган юзаси эса ички аъзоларга қараган. Дарвозадан Талоқка артерия нерв кириб, ундан вена, лимфа томирлари чиқади ва унинг оёқчасини хосил қилади. Талоқ қоринпарда билан ҳамма томонлама ўралган-интраперитонеал аъзодир.

Талоқ билан меъда орасида бойлам, айниқса диафрагма билан йўғон ичак орасидаги бойлам Талоқни ушлаб туришда ахамиятга эга. Талоқ куп юзаси билан диафрагма билан, меъда туби, меъда ости беши думи билан, ҳамда кундаланг чамбар ичак чап бўрчаги билан қўшнилашиб туради, уларни ташқари у чап буйрак ва чап буйрак усти безлари билан ҳам (парда орқали) қўшнилашган.

Қорин аортасининг биринчи тоқ артериясидан (Халлер уч шохи) бошланган Талоқ артерияси меъда-ости беши устидан ўтиб, меъда ости

безига, меъдага (калта шохлар) меъда катта эгриликларига шохлар бериб сўнгра Талоқ дарвозасига кириб кетади. Венаси эса дарвозадан чикиб, меъда ости - беши боши орқасида дарвоза венасига куйилади. Иннервацияси эса асосан қуёш чигали хисобига бўлади.

Талоқ чақалоқларда бир неча бўлақлардан иборат бўлиши мумкин, овал шакли купрок учрайди, 1-2 қовурға юқорида жойлашиши мумкин.

### **Қорин пастки қават аъзоларининг топ.анатомияси.**

Ингичка ичак топографик анатомияси. Ингичка ичак 3 қисмдан тузилган бўлиб, униккибармоқли ичак, оч ва ёнбош ичаклардир. Уникки бармоқли ичак меъдадан кейин бошланиб 4 қисмдан иборат: юқориги горизонтал қисми; пастга тушувчи қием, пастки горизонтал қием ва юқорига кўтарилувчи қисми.

Оч ичак уникки бармоқли ичакдан 2-бел умуртқаси чап ёнидан бошланиб, ингичка ичакнинг 3\5 қисмини, ёнбош ичак эса 2\5 қисмини ташқил этади. Ингичка ичак туткичи қорин парда дубликатурасидан иборат бўлиб, унинг ичида ингичка ичак кон-томир, нерв ва лимфа кон томирлари жойлашган. Ичак туткичи бошланишида 3-5 см, уртасида 10-15см гача узун бўлиб, унинг эркинлигини таминлаб туради, болаларда у қисқа.

Ингичка ичак атрофидан йўғон ичак билан ўралиб туради, олдидан катта чарви ва олд-ён деворига тегиб туради, орқада эса қоринпарда орқали буйрак, буйрак усти беши, сийдик йуллари аорта пастки ковак вена билан қўшнилашиб туради.

Ингичка ичак озикданиши юқориги туткич артерия хисобидан бўлиб, у 18-20 та шохлар билан ичак туткич ичига кириб, 3-4 қаватли артерия (орқада) равоқдарини хосил қилади, ингичка ичак эгриликлари шу равоқдар хисобидан озикданиши осонлашади. Хазм бўлиши ингичка ичакдан веналарга сурилиб, охирида юқори туткич венаси бўлиб дарвоза венаси орқали тозаланиш учун жигарга боради. Ингичка ичак иннервацияси эса қуёш ва юқори туткич нерв чигали хисобига бўлади.



Ингичка ичак ўнт ёнбош соҳасида кўр ичакка давом этар экан, илиоцекал бўрчак хосил қилади, бу бўрчакнинг юқорисида, пастда ва орқасида ичак туткичи ва қорин парда мураккаб чуқурлик (чўнтаклар) хосил қилади, булар апендикс кириб қрлиши ва ингичка ичак эркин қисмлари кириб қолиши (ички чурра) билан амалий ахамиятга эга.

Чақалоқларда ингичка ичак калта (2-3 м) бўлиб, 10-12 ёш болада катталарникидек бўлади. Ичак тутқич калта ва яхши ривожланмаган, катта чарви уни яхши ёпмаган.

Чақалоқларда қуйидаги туғма етишмовчиликлар (аномалия) тез-тез учраб туради:

- 1) Ингичка ичак мутлоқ булмаслиги;
- 2) Баъзи қисмларини қўйилса бўшлиқлари бўлади
- 3) Айниқса 12-бармоқли ичакда иккиламчи бўшлиқлар ривожланиши.

### **Йўғон ичак топографик анатомияси.**

Йўғон ичак ингичка (ёнбош) ичакнинг давоми бўлиб, ингичка ичакда сўрилмай (хазм бўлмай) қолган моддалар Бауген клапани орқали йўғон ичакка ўтказилади. У 6 қисмдан иборат бўлиб, катталарда 1,5-2 м ни ташкил этади:

1. Кўр ичак чувалчангсимон (апендикс) ўсимтаси билан.
2. Кўтарилувчи чамбар ичак
3. Кўндаланг чамбар ичак
4. Пастга тушувчи чамбар ичак
5. S-симон ичак.
6. Тўғри ичак.

Дастлабки 5 та қисми қорин бўшлиғида, охириги - тўғри ичак қисми эса кичик чаноқда жойлашган. Йўғон ичак ингичка ичакдан қуйидагилар билан фарқланади:

1. Йўғон ичак диаметри йўғон
2. Йўғон ичак ингичка ичак атрофида жойлашади ва ўнга нисбатан тутқичи

калта

3. Йўғон ичак қорамтир рангда, ингичка ичак қизғиш бўлади.
4. Йўғон ичак кенгаймалари (хаустра) бор, ёғ усимталари ва 3 та лентаси бор, ингичка ичак девори эса силлик.

Кўр ичак ўнг ёнбош соҳада жойлашиб, хар хил яъни пастда (кичик чанокқача), юқорида (ёнбош кирраси устида) бўлиши мумкин. Чақалокларда нисбатан юқорида, кексаларда пастрокда жойлашади. Кўричакнинг узунлиги 5-8 см бўлиб, Боугмен клапанидан пасти куричак дейилади. Ундан юқориси кўтарилувчи чамбар ичак дейилади. Кўричак коп шаклида, конус ё воронка шаклида учрайди.

Кўричак чувалчангсимон ўсимтаси кўричакнинг орқасида жойлашса (ретроцекал) уни олиб ташлаш хирург мураккаб бўлади. Кўричакнинг синтопияси: Ичкаридан ва олдидан ингичка ичак ковузлоги, орқадан бел ёнбош мушаги билан қўшилишади. Кўричак юқори тутқич артерияси билан озиқланади. Веналари эса шу номли вена орқали дарвоза венасига йиғилади. Кўричак ва чувалчангсимон ўсимта юқори тутқич нерв чигаллари хисобида иннервация қилинади. Чувалчангсимон ўсимта аппендикс кўричакнинг охирида жойлашиб у бошланган жойда йўғон ичакни эркин лентаси тугайди. Чувалчангсимон ўсимта чанок осилиб туриши, қорин бўшлиғига чиқиб буриши, жигар остида жойлашиши, хаттоки, кўричакнинг орқасида ёпишиб ётиши мумкин.

Баъзан кам учрасада аппендикс чап ёнбош соҳада учраши мумкин. Бунда бутун ичак системаси тескари жойлашиши мумкин. Унинг узунлиги чақалокларда 2-3 см катталарда 6-8 см бўлади. Унинг хам тутқичи бўлиб, тутқичи ичида қон томир ва нервлар ўтади.

Чақалокларда ленталар ва хаустралар яхши ривожланмаган ёғ ўсимталар хам яхши кўринмайди.

Йўғон ичак уларда 60-70 см (катталарда 1,5 м). Чақалокларда кўричак ва аппендикс юқорида ёнбош суягидан тепада катталарда эса ёнбош чуқурчасида жойлашади. Болаларда ретроцекал жойлашув купрок

учрайди. 10-12 ёшдан катталарникига ўхшаш жойлашиш бўлади. Юқорида кўтарилувчи чамбар ичак илеоцекал бўрчакдан бошланиб жигар эгрилигигача давом этади, узунлиги 12-18 см. Бу ичак мезоперитониал ўралган бўлиб, унинг орқа томони очик қолади ва унги буйракга ва 12 бармоқли ичакнинг пастига тушиб турувчи қисмига тегиб ётади.

Унинг ўнги томонида ўнги ей канал жойлашади. Олд ва ичкаридан ингичка ичак ковузлоклари қўшилишиб ётади. Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ёнбош чамбар ва ўнги чамбар ичак артериялари билан озикланади. Веналари эса юқори туткич венаси орқали дарвоза венасига қуйилади. Болаларда унинг узунлиги 4-8 см.

Кундаланг чамбар ичак йўғон ичакнинг ўнги эгрилигидан бошланиб чап эгрилигига давом этади. Узунлиги 50-65 см чақалоқларда 15-25 см. Бу ичак кундаланг ҳолатда V шаклда ўзгариши мумкин. Чақалоқларда кундаланг ҳолатда эгрисизлик ҳолатда кўпроқ учрайди. Кундаланг чамбар ичак қорин парда билан ҳам томондан ўралган бел соҳасида ёпишган ичак туткичига эга. Ичак туткичи ўнги буйракдан чап буйракгача тортилган бўлиб меъда ости бези билан қўшилишиб ётади. Кундаланг чамбар ичак юқорига ва пастки қаватларнинг уртасидаги чегара бўлиб меъданинг катта эгрилиги билан пастдан эса ингичка ичак билан қўшилишиб туради унинг туткичи чарви сумкасини остини ҳосил қилади. Кундаланг чамбар ичак билан меъда уртасида бойлам бўлиб ана шу ердан катта чарви бошланади. Йўғон ичакнинг чап эгрилиги Талоқга тегиб турса, унинг ўнги эгрилиги жигарнинг ўнги булагига тегиб туради.

Пастки тушувчи чамбар ичак чап эгриликдан бошланиб пастга йуналиб чап ёнбош суягини канотигача боради. У мезоперитониал аъзо бўлиб олд ва ички томондан ингичка ичак билан орқадан белнинг квадратсимон мушаги билан қўшилишиб чамбар артериал озикдантиради. Веналари эса пастки туткич венасига қуйилиб дарвоза венасига йуналади. У ичакнинг узунлиги катталарда 15-20 см чақалоқларда 5-7 см Сигмасимон чамбар ичак қорин парда билан ҳамма томондан ўралган бўлиб, пастки тушувчи

чамбар ичакдан бошланиб тўғри ичакгача (1,2 думғаза умуртқасигача) давом этади. Узунлиги 15 см дан 60 смгача бўлиши мумкин. Унинг туткичи узун бўлиб 8-10 см гача бўлади. Унинг бир қисми қорин бўшлиқда пастки қисми кичик чаноккага тушиб тўғри ичакга давом этади. S симон ичак пастки туткич артериядан чикувчи шу номли артерия билан озикданади. Венаси эса пастки туткич венаси орқали дарвоза венасига куйилади.

Чақалоқларда ичак етишмовчиликлари тез-тез учраб туради. Ичакнинг булмаслиги ё баъзи қисмларини ривожланмай қолиши туткичларини жуда узун бўлиши кузатилади.

Баъзан S симон ичак нервларнинг ривожланмагани туфайли кенг S симон ичак билан туталади (Мегаколон)

### **Қорин парда ортки аъзоларининг топографий анатомияси.**

Қорин парда ортки бўшлиғи қорин-парданинг орқа париетал вароги билан қориннинг орқа девори орасида ҳосил бўлади. Қорин орқа деворни эса 10-11 қовурға, 1-5 бел умуртқалари бел ва квадратсимон мускуллар ҳосил қилади.

Демак қоринпарда ортки бўшлиғи аъзоларига куйидагилар киради: буйраклар, буйрак усти безлари сийдик йули, қорин аортаси, унинг ўнг томонида ётган пастки кавак венаси, меъда ости бези, 12-бармоқди ичакнинг куп қисми, қуёш чигали, юқориги ва пастки ичак туткичи нерв чигаллари, дарвоза венаси (ўнга куйилувчи веналари билан), кўкрак лимфа йулининг бошланиш қисми, еҒ клетчаткалари.

### **Буйрак топографик анатомияси.**

Буйраклар одамда бир жуфт бўлиб, қоринпардани орқасида жойлашган (экстраперитонеаль аъзо). Буйраклар ловия шаклида бўлиб, ички ботик ва ташқи каварик қисмлардан, юқорига ва пастки учларидан, олдинги ва орқа юзаларидан иборат. Буйрак ички ботик қисми унинг дарвозаси дейилади. Дарвозадан эса ичига артерия, нерв кириб, вена, лимфа томири, сийдик йули чикиб келади.

Ўнг буйрак чапига нисбатан пастрок жойлашган, шунинг учун ҳам чап 12-қовурға сояси чап буйракни уртасидан утса, ўнг қовурға эса ўнг буйракни юқориги  $1\frac{1}{3}$  қисмига тўғри келади.

Ўнг бўрайк (синтопияси), юқоридан буйрак усти беши ва жигар ўнг булагига асосига тегиб туради, олдидан 12-бармоқли ичак тушувчи қисмига ва ичак ковузлогига (парда орқали) ҳамда йўғон ичак ўнг эгрилигига тегиб, қўшнилашиб туради.

Чап буйрак (синтопияси) юқоридан буйрак усти беши, олдидан меъда ости беши тана ва думи билан, меъда танаси билан ва йўғон ичак чап эгрилиги билан қўшнилашиб туради. Буйраклар катталарда 10-12 см узунликда бўлиб, силлик бўлади. Чақалоқларда эса буйраклар нисбатан кичик бўлиб, куп бўлаклардан иборатдир.

Буйрак 3 та парда билан ўралган: фиброз парда (ичкаридан), ёғсимон парда (паранефрон) уртада, буйрак фасцияси (ташкаридан). Буйрак дарвозасидан юқорида кўрсатилганлар билан бирга буйрак жоми ҳам бошланади, агар жой буйрак ичкарасида булса унда унинг давоми бўлган сийдик йули буйрак дарвозасидан бошланади. Бўлаклар қорин аортасидан бошланувчи буйрак артерияси билан озикданади, венаси эса пастки ковак венасига куйилади. Урталик чизикка нисбатан қорин аортаси чапроқда, пастки ковак венаси ўнгроқда жойлашгани учун, ўнг буйрак артерияси чапига Караганда қисқа, венаси эса тескари яъни чапи узунроқ.

Буйраклар қуёш чигали ва буйрак чигали нервларидан иннервацияланади. Буйрак аномалиялари:

1. Такасимон буйраклар. (икки буйрак юқорисида бирлашган)
2. Дистомик буйраклар (улар пастда, хатто катта-кичик чаноқда жоилашган).
3. Иккита буйрак ҳам бир томонда жоилашган.
4. Катталарда бўлакчали буйраклар

Буйраклар юқориги кутби (полюси) учбўрчаксимон, айрисимон шаклдаги буйрак усти беши билан копланиб турибди. Бу без ички секрет

безларига кириб, унинг пустлок ва магиз кисмлари узига хос кармонлар ишлаб чиқаради. Унинг озикданишида 3 та артерия катнашади.

- 1) Буйрак усти беги юқориги артерияси (диафрагма ости артериядан).
- 2) Урта артерияси (қорин аортасидан)
- 3) Пастки артерияси (буйрак артериясидан бошланади).

Сийдик йули катталарда 25-30 см бўлиб, буйрак жомидан бошланиб, сийдик копигача давом этади. Унинг қорин, чаноқк ва сийдик копи деворига кирган кисмлари тафовут килинади. Қорин қисми чаноқк қисмига утиши чегара чизигага тўғри келади, бу ерда у озгина эгрилик хосил килаётиб, тораяди, шунинг учун бу жой торайган кием ҳам дейилади. Аслида 3 та торайган қисми ҳам тафовут килинади: бошланишида, чаноқкка утиш жойида ва сийдик копига кирган жойида. Тор кисмларда тошлар тикилиб қолади ва бу жойларни амалиёт учун зарурдир.

Ўнг сийдик йули тахминан кўтариловчи чамбар ичак билан пастки кавак орасида чапи эса пастга тушувчи чамбар ичак билан аорта уртасида жойлашади. Сийдик йули чаноқкка тушиш арафасида умумий ёпбош артерия (орқасида) билан кесишади.

Кон билан таъминланиши: юқори қисми буйрак артериясидан, урта қисми уругдон артерияси билан (аёлларда тухумдон артерияси), пастки чаноқк қисми эса ички ёнбош артериясидан озикданади.

Болаларда туша етишмовчиликлари, бир нечта бўлиб бошланиши, кенгаймалари бор найлар билан тугилишлар учраб туради.

Қорин аортаси 12-кўкрак умуртқаси тўғрисида диафрагмадан қоринга утиб (бошланиб), 5-бел умуртқаси тўғрисида иккига бўлинади (бифуркацио) ва чаноқкка кетувчи умумий ўнг ва чап ёнбош артериялари бўлиб давом этади. Қоринпарда ортида жоилашган қорин аортаси урталик чизигадан (бел умуртқалари олдида) чапрокда ётади (ўнгротда эса пастки кавак венаси ётади).

Қорин аортаси қорин бўшлига деворига ва аъзоларига шохлар

беради. Деворий шохлари: диафрагма пастки артерияси (2 та), бел артериялари (3-4та), бифуркациосидан чикувчи думғаза урта артерияси (2та).

Аъзоларга (органларга) таркаладиган шохлари эса ток (ток аъзоларга) ва жуфт шохлар (жуфт аъзоларга).

Ток шохларига куйидагилар киради:

1. Қорин пояси, диафрагмадан 0,5-1 см пастдан бошланиб, у узи 3 та (Халлер 3 шохи) шохга бўлинади (меъда чап артерияси, Талок, артерияси ва жигарнинг умумий артерияси). Қорин пояси Холлер уч шохи орқали Қорин бўшлиғининг юқори қават аъзоларини (жигар меъда, Талок, меъда ости беzi, 12-бармоқди ичак) озикдантиради.
2. Юқorigи ичак туткичи артерияси меъда ости безига, 12 бармоқли ичакка, ингичка ичакнинг хаммасига ва йўғон ичакнинг ўнг ярмига озикдантирувчи шохлар беради. (1-бел умуртқаси тўғрисида бошланади).
3. Пастки ичак туткич артерияси юқоридаги артериядан пастда қорин аортасидан жуфт шохлар (жуфт аъзоларга).

Ток шохларига куйидагилар киради:

1. Қорин пояси, диафрагмадан 0,5-1 см пастдан бошланиб, у узд 3 та (Холлер 3 шохи) шохга бўлинади (меъда чап артерияси, Талок артерияси ва жигарнинг умумий артерияси). Қорин пояси Холлер уч шохи орқали қорин бўшлиғининг юқори қават аъзоларини (жигар меъда, Талок, меъда ости беzi, 12 бармоқли ичак) озикдантиради.
2. Юқorigи ичак туткичи артерияси меъда ости безига, 12 бармоқли ичакка, ингичка ичакнинг хаммасига ва йўғон ичакнинг ўнг ярмига озикдантирувчи шохлар беради. (1-бел умуртқаси тўғрисида бошланди)
3. Пастки ичак туткич артерияси юқоридаги артериядан пастда қорин аортасидан бошланиб, йўғон ичакни ўнг ярмини тўғри ичаккача озиклантиради.

Қорин аортасининг жуфт тармоқдари: буйрак усти урта артерияси, буйрак артерияси, уругдон (тухумдон) артерияси, шу номли аъзоларга

таркалади.

Қорин парда ортида, умуртқа погонаси икки енида 4-5 та симпатик тугунлар (устунча) узларидан шохлар бериб қорин бўшлиғига таркаладиган артериялар деворида шу артерия номидаги нерв чигалларини хосил қилади, улар куйидаги чигаллардир: қуёш чигали (қорин пояси атрофида) , буйрак чигали, Талоқ чигали, юқориги ва пастки туткич чигаллари, аорта деворидаги чигаллар; бу чигаллар симпатик ва парасимпатик (X-нерв) нерв толалари билан қорин бўшлиғига аъзоларини иннервациялайди.

Пастки ковак венаси 5-бел умуртқасини тўғрисида чаноқдан келаётган иккита умумий ёнбош венасини қушилишдан хосил бўлади. У оёқдан чаноқдан қорин бўшлиғидан веналари узига йигиб жигарни орқасидан ўтади. Диафрагма орқали кўкракга утгач юракни ўнг булмачасига куйилади.

Қорин бўшлиғида утказиладиган асосий операцияларга куйидагилар киради: Лапаротомия (қорин деворини кесиб бўшлиғига кириш) қорин бўшлиғини ревизия қилиш, меъда резекциялари. Меъда томияси ва стомияси Талоқни олиб ташлаш, ингичка ичакда резекция қилиш, болаларда эса киндик чуррасини операцияси чов чуррасини операцияси. Сон чурраси, аппендектоэктомия операциялари тез-тез амалга оширилиб туради.